*Мурувват*

# МЕҲРУ МУҲАББАТГА ТЎЛИҚ КЎНГЛИМИЗ

**ХАЛҚИМИЗ АЗАЛДАН САХОВАТПЕШАЛИГИ, САХИЙЛИГИ ВА МЕҲРУ МУРУВВАТГА БОЙЛИГИ БИЛАН НОМ ЧИҚАРГАН. ЗЕРО, НОГИРОН, НОЧОР, КЎНГЛИ ЎКСИК, ЁЛҒИЗЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ УЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, КЎНГЛИНИ ОЛИШ ҲАР БИР ИНСОНГА ХОС ФАЗИЛАТДИР.**

Яқинда «Тошкент» меҳмонхонасида Чилонзор туманидаги Ногирон болалар ва ўсмирлар спорт клуби аъзоларига хайрия тадбири ўтказилиб берилди.

Тўкин дастурхон атрофида йиғилганларга хушовоз хонандалар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари ва ҳар хил саҳна кўринишларидан иборат чиқишлари билан тадбирнинг янада мароқли ўтишини таъминлаб бердилар.

— Бизнинг клубимизни асосан ногирон йигит-қизлар ташкил қилади, — дейди Ногирон болалар ва ўсмирлар спорт клуби директори Анатолий Суровкин. — Уларнинг орасида иқтидорлилари жудаям кўп. Клуб аъзоларининг соғликларини тиклаш, уларнинг маънавий, маданий салоҳиятларини ошириш, бўш вақтларини унумли ўтказишни ташкил қилиш мақсадида режали ва самарали ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Айниқса, ёшларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида турли хил спорт тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. Клуб аъзоларининг барчаси турли хил спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб боришади. Уларнинг кўпчилиги туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказиладиган танлов ва мусобақаларда фаол қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Уларнинг ғайрат, шижоатлари ва интилишларини кўриб ҳаётга бўлган меҳримиз янада ошиб бораверади. Ҳомийларимиз томонидан бундай хайрли тадбирларнинг ўтказиб турилиши эса уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаб боради. Клубимиз аъзолари номидан яна бир бор саховатли инсонларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Куй, қўшиққа йўғрилган хайрия тадбири барча иштирокчиларнинг қалбида хушнудлик уйғотди. Ҳомийлар томонидан берилган совғалар эса уларнинг кайфиятига янада кўтаринки руҳ бағишлади.

**Гулчехра САТТОР қизи**



**СУРАТДА: хайрия тадбиридан лавҳа**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ШУ ОРҚАЛИ КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БУ БОРАДА ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.**

*Фармон ва ижро*

# ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида ҳам ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туман бандликка кўмаклашиш марказидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тўрт юз нафарга яқин киши касаначилик асосида ишга жалб этилган. Уларнинг 20 нафарга яқини «Нерудник» очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат қилмоқда.

– Уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда қўшимча даромад топиш аёл киши учун жуда қулай, – дейди мазкур корхона касаначиси Шоҳсанам Нортоева. – Корхонамиз касаначиларининг асосий қисми хотин-қизлардан иборат. Бундай самарали ва фойдали меҳнат учун қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар яратиб берган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАҚДИМНОМАСИГА АСОСАН ШУ ЙИЛ 28 АВГУСТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ БЎЛДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда гап борди. Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Ҳалимов ва бошқалар Президентимиз тақдимномасига асосан қабул қилинган ушбу қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидладилар.

Амнистия татбиқ этилиши кутилаётган шахслар суднинг ажрими билан жазодан ёки жавобгарликдан озод қилинади. Бу фуқароларнинг озодликка бўлган ҳуқуқи судлар томонидан адолатли ҳал этилишини таъминлаб, инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тегишли хизматлар раҳбарлари, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиқлари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди. Жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашиши юзасидан тегишли чоралар кўрилиши лозим. Уларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар эса ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун зарур шароит яратилиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда бу йўналишдаги вазифаларнинг изчил таъминланишига оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ИШИГА ЖОРИЙ ЭТИШ БОРАСИДА ИБРАТЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. УШБУ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ — ЭЛЕКТРОН СИНФЛАР, ТУМАН ВА МАКТАБ АХБОРОТИ РЕСУРСЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ УЧУН ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИГА ЙЎЛ ОЧИШДАН ИБОРАТДИР.**

*Анжуманлар*

# АЖОЙИБ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Ушбу муносабат билан куни кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Мактаб ахборот ресурс марказларида жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш» мавзусида анжуман ҳамда «Мустақиллигимиз абадий бўлсин» мавзуида адабий мусиқий кеча бўлиб ўтди.

Анжуманни мазкур кутубхонанинг директори Фотима Бухарова кириш сўзи билан очар экан, ҳозирда Ахборот технологияларини жорий этишнинг ишлаб чиқарилаётган қатор дастурлари ва улар сирасига кирувчи мактабларни интернат тармоғига улаш дастури, умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш, компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, мактаб кутубхоналарининг ресурс марказларини интернатга улаш ва мактаб ахборот марказларини ва мактабларнинг электрон синфларини «ZIONet» тармоғига улаш дастурлари борасидаги олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими «ZioNet» бўлими вакиллари «ZioNet» тармоғига улаш йўллари ва АРМ қошидаги Интернет синфини ташкил қилиш, ходимларнинг иш вазифалари, интернетда ишлаш регламент ҳужжатлари мавзуларида фикр юритдилар.

Анжуман доирасида болалар ва ўсмирлар учун Интернет синфлар ишини ташкил этиш бўйича амалий масалалар кўриб чиқилди.

Дарҳақиқат, республикамиз мактаблари, академик лицейлари, ахборот-ресурс марказларида халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига ахборот технологияларини муваффақиятли жорий этиш учун «ZioNet» тармоғига улаш дастурлари амалга оширилмоқда. Бу эса, ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий-маърифий, илмий ҳамда бошқа ахборотлардан кенг кўламда фойдаланишларига имкон яратади.

Бугунги кунда республикамизнинг 800 та умумтаълим мактаблари замонавий интернет тармоғига уланди. Жорий йилнинг охиригача эса шаҳардаги мавжуд мактабларнинг деярли барчасини замонавий компьютер жиҳозлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Анжуманда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг директорлари, ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Анжуман сўнгида «Мустақиллигимиз абадий бўлсин» деб номланган адабий-мусиқий дастур намойиш қилинди. Унда ёш китобхонлар ижросида куй ва қўшиқлар янгради. Истиқлолимиз тасвирлари остидаги кўргазма ва турли кўринишдаги саҳна кўринишлари барча йиғилганларда ажойиб таассурот қолдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## БАХИЛНИНГ БОҒИ КЎКАРМАС

Дам олиш куни чойхонада улфатлар билан давра қуриб ўтирардик. 35-40 ёшлар чамасидаги бир киши сўриларни тўлдириб ўтирган чойхўрлар олдига бориб: «Ота-онам шифохонада оғир ётибди, уларга дори-дармон учун пул тополмаяпман. Илтимос, баҳоли қудрат ёрдам беринглар», деб садақа сўрарди. Усти-боши анча башанг бу киши бир қарашда ҳеч қандай садақага муҳтож кўринмасди.

У даврани айлана-айлана охири бизнинг олдимизга келди. Даврадош дўстларимиздан бири уни танир экан шекилли «Султон ўзингмисан?» деб қолди. «Ие, Абдужаббор, бормисан?» деди у қилмишидан хижолат тортгандек садақага узатган қўлини тушириб.

— Нима бўлди сенга, нега бу аҳволга тушиб қолдинг? Ёлғонлаб бировларга ялингандан кўра, бирор таниш-билишдан керагини сўраб қўя қолмайсанми?

— Эй дўстим, «Бошга тушганини кўз кўради» деганлари рост. Бошимга тушган ташвишнинг яраси унча-мунча пул билан битмайди.

— Уйинг ёнганини эшитдим.

— Уйим ёнса майли-я, бутун бойлигим ёниб кул бўлди.

Абдужаббор Султонга ҳамёнидан анча-мунча пул чиқариб берди. Султон раҳматни унутиб пулни олиб чўнтагига урди.

— Қўй, тиланчилик қилма, сенга ярашмайди, — деди танишининг елкасига қоқиб Абдужаббор.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек эртасига бу инсонни метро бекатида: «Ота-онам оғир касал, дорига пул беринглар яхшилар», деб тўтидек сайраб турганида учратдим. Абдужабборнинг айтишича, Султон олибсотарлик билан шуғулланар экан. Ўша пайтларда ҳам у тошу тарозудан уриб, ҳам бирни иккига пуллаб роса мўмай пул топибди. Абдужаббор машина олиш орзусида юриб озроқ етишмовчилик бўлган пайтда синфдоши Султоннинг ҳузурига бориб озмоз қарз бериб туришини сўрабди. Шунда Султон: «Эй дўстим, ўзим чорночор кун кечириб бозорма — бозор юриб, аранг рўзғор тебратиб турган бўлсам, менда пул нима қилсин», деб дўстини қуруқ қайтарибди.

Бойлик унинг кўзини шу қадар кўр қилиб, у ҳатто қари ота-онасига ҳам қарашни унутибди. Оч-наҳор қолган ота-онани кенг ҳовли-жой қолиб, катта ўғил ўз оиласи билан яшаб турган кўп қаватли уч хонали уйга кўчириб кетибди. Султон ота-онаси бетоб бўлиб касалхонада ётганида ҳам савдодан қоламан деб уларни бирор марта кўргани бормабди. Эски уйини бузиб данғиллама иморат қурибди, машина олибди. Кенжа ўғил Султонни бир кўришга интизор бўлиб ота-она оламдан ўтибди.

Шунда акаси Султонга: «Ука, ўзинг биласан жўжабирдек жонман. Бир ўзимни топганим нимага ҳам етарди. Отаонамизнинг маросимларига бироз қарашиб юборсанг» деса, Султон қўли калталигини айтиб, акасига бировдан қарз кўтаришни маслаҳат берибди. Ака бечора қарз-ҳавола бўлиб ота-она маросимларини ўтказибди.

Кунлар ўтиб Султон оиласи билан узоқ қариндошиникига тўйга кетибди. Кечаси ярим кечада қайтса уйи аланга ичида, қўни-қўшнилар тобора авж олиб бораётган ёнғинни ўчириш билан овора эмиш. Ичкарига кириб мол-мулкни ёнғиндан сақлаб қолишнинг иложи йўқ. Эшик қулф. Қанча оворагарчилик билан қулфни бузиб киришганида вақт ўтган экан. Омад бир кетса қўша кетишини қаранг, ўша фожеадан уч-тўрт кун олдин Султон янги машинасини ҳам ўзга бир кишига мўмайга пуллаган экан. У куйиб-ёниб қанча уринмасин, уйга кириб бирор нарса ололмабди. Бори куйиб кул бўлибди.

Шундан кейин ақли оғиб жиннихонага тушибди. У ердан даволаниб чиққач, қаерга боришини билмабди. Хотини ҳам жонидан ўтиб кетган шекилли, менга бунақа хасис эр керак эмас, деб болаларини олиб ота-онасиникига кетган экан. Минг қилса ҳам жигар жигарда. Ҳозир Султон топар-тутар пайтида бир қиё боқмаган акасиникида яшаётган экан.

«Бахилнинг боғи кўкармас», деб шунга айтсалар керак-да.

## ОТАХОНЛАР НЕГА РАНЖИДИ?

Автобусга икки нуроний отахонлар чиқишди. Олдинги ўриндиқда ўтирган болали аёл ва анча ёшни қоралаб қолган онахон уларга ҳурмат юзасидан жой бермоқчи бўлишди.

— Йўқ, йўқ ўтиравериглар, биз орқароқ ўтамиз. Сизлардан кўра ёшлар бордир жой берадиган.

Отахонлар тиқин автобусда туртиниб-суртиниб орқа томон ўтишди. Бошқа ичкарилашнинг иложи бўлмагач, бир-бирларига сўз бермай, бир гапириб ўн кулиб келаётган икки дугона ўтирган ўриндиқ олдида тўхташди. Қизлар олдинига кўриб-кўрмасликка олишди-да, эътибор беришмади. Қачонки уларни ўзгалар огоҳлантиргандан кейин рўпараларида турган қарияларни «кўриб» қолишди.

— Вой, Зари жойнинг эгалари келишди. Нима қилдик, бўшатамизда энди.

— Атайлаб тепангга келиб олгандан кейин хоҳласанг хоҳламасанг бўшатасанда.

Қизлар ижирғаниб ўринларидан туришди-да, яна суҳбатни давом эттиравеишди. Отахонлар миннат билан бўшатилган ўриндиққа атайлаб ўтиришмади. Шунда йўловчилардан бири уларни бўшатилган жойга ўтиришга таклиф этди.

— Йўқ болам, биз тик кетаверамиз. Миннат билан бўшатилган жойга қизларнинг ўзлари ўтиравеишсин, — дейишди.

Қизлар тўнғиллаб-тўнғиллаб, пичир-пичир билан яна жойларига ўтиришди. Уларнинг бу қилмишидан ранжиган отахонлардан бири шундай деди.

— Болам, аввало ҳурмат ризолик билан, норизолик билан қилинган ҳурматга эътибор эса миннатли ош еган билан баробар бўлади. Шундай экан, ўзларингиз жойларингизга бемалол ўтириб, суҳбатларингизни келган жойидан давом эттираверинглар. Биз тик турсак ҳеч нарса қилмайди.

Отахонларнинг бу сўзидан қизлар заррача бўлса-да, мулзам тортишмади. Балки бир-бирларига елка қисиб, «Подумаешь» дея навбатдаги бекатда автобусдан тушиб кетишди.

— Эй падарингга лаънат шунақа ҳам сурбет қизлар бўладими? — деди уларнинг қилмишидан ранжиган йўловчилардан бири.

Биз эса қизларга эмас, уларнинг қилмишлари орқали лаънат олган падарларига ачиндик. Шуни айтадилар-да, қобил фарзанд ота-онага раҳмат ёғдиради, ноқобили эса лаънат келтиради, деб.

## ИЛМ ХАЗИНА

Ота-она иззатини жойига қўйиб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлган, тинчхотиржамликда умр бўйи илм ўрганган киши энг бахтли инсондир. Бунга мисол тариқасида ушбу ҳикоятни келтиришни лозим топдик. Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бир қанча вақт ўз бахтини тополмай сарсон-саргардонликда юради. Кунлардан бир куни у Анушервон ходимларидан бирининг хизматига киради. Ўшанда Анушервон мажлис уюштириб мулозимларидан сўрайди.

— Энг юмшоқ нарса нима?

Ўтирганлардан бири «шоҳи» дейди. Иккинчиси эса «товуқ парлари» дейди. Бошқа биров эса «Ипакдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми?» дейди. Ҳалиги йигит ҳам сарой четида турган эди. Мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўрайди, сўнг дейди.

— Энг юмшоқ нарса тинчликдир.

Анушервон унга офарин айтади ва яна сўрайди.

— Энг яхши хазина нима?

— Илм ўрганмоқдан иборат, — йигитнинг жавобидан қониққан Анушервон яна ундан:

— Гулларнинг энг хушбўйи қайси? — деб сўради.

— Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қиладиган, ўлганидан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон йигитнинг топқирлигидан хурсанд бўлиб, уни ўз мулозимлари орасига олди.

Қиссадан ҳисса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

# СОҒЛИГИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗАЛАШ, УЛАРНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ТУРЛИ ХАСТАЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БУГУНГИ КУНДА ШИФОКОРЛАР ЗИММАСИГА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗ САЛОМАТЛИКЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШЛАРИ БОРАСИДА ҲАМ ҚАТОР САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасида ўтказилган «Ўзлигингни ўзинг асра» мавзуидаги тадбир айнан шифохона ходимларининг ўз саломатликларига бўлган эътибор мавзуида бўлди.

Унда шифохона шифокорлари, ҳамшира ва санитар ходимларини шифохонадаги мавжуд УЗД, ЭКГ, рентген аппаратларда ва лабораторияда тиббий назоратдан ўтказиш ишлари амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

— Бундан кўзланган мақсад, — дейди бош шифокор Элмира Боситхонова, — барча ходимларимизни соғлиқларини доимий назоратга олишдан иборатдир. Чунки уларнинг аксарияти доимо иш билан банд бўлиб ўз соғлиқларига унчалик ҳам эътибор beравермайди. Ҳар олти ойда тиббий кўрикдан ўтиш ходимларимиз учун доимий қилиб белгиланган. Аммо бизнинг мақсадимиз ходимларимизнинг саломатликларини ҳамиша муҳофаза қилиш, уларни асраб-авайлашдан иборатдир. Шифокор ҳар доим ҳам соғлиғи ҳақида қайғуравермайди, негаки унинг бор диққат-эътибори беморда бўлади. Шуни инобатга олган ҳолда шифохона ходимлари ўртасида турли хил тадбирларни ўтказишни ҳам режалаштирдик. Зеро ҳар бир инсоннинг руҳан бардам, соғлиғи мустаҳкам бўлса ўз ишига сидқидилдан ёндашади, кайфияти ҳам аъло даражада бўлади. Шифокорлар зиммасидаги масъулият эса жуда катта. Бинобарин инсонлар уларга ишониб умид ва ишонч билан боқадилар. Шифокор ўзи соғлом бўлмай туриб қандай қилиб бемор дардига шифо топа олади?

Тадбирда тажрибали шифокорлар билан бир қаторда ёш малакасини ошираётган шифокорлар ҳам сўзга чиқиб, тиббиёт соҳасидаги ҳар қандай назорат фақатгина эзгуликка, яхшиликка ва узоқ умр кўришга қаратилганлиги ҳақидаги фикрларини ўртоқлашдилар.

# СОВҒАЛАР УЛАШИЛДИ

**ШАҲРИМИЗДАГИ 8-ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАДА БЎЛИБ ЎТГАН «ИСТИҚБОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ» МАВЗУИДАГИ ТАДБИРДА, ПОЛИКЛИНИКА ЖАМОАСИ, МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ҲАМДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.**

Тадбирда ногирон, ночор ва кам таъминланган оила аъзоларига поликлиника муассасаси томонидан мустақиллик байрами муносабати билан совғалар тарқатилди.

Шунингдек, уларнинг соғлиғини доимий назоратга олиш, керакли дори-дармонларни вақтида етказиб бериш масалаларига эътибор қаратиш ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди. Бош шифокор Мунира Шаҳобова раҳбарлигидаги поликлиника жамоаси аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, ёш келин-куёвларни тиббий назоратдан ўтказиш, қизларни оилага тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида урғу бердилар.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

*Санъат*

# ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

**ҚАДИМИЙ ВА ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИ ҲАМ КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМ ҚАТОР ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.**

Янги ташкил этиладиган юбилей кўргазмасидан эса пойтахтимизни мадҳ этадиган талайгина картиналар ўрин олади. «Юз нафар таниқли рисолалар Тошкент учун» деб номланадиган ушбу экспозицияга тақдим қилинадиган асарлар танлов асосида жамланиб, юбилей арафасида кенг томошабинлар оммаси эътиборига ҳавола этилади.

# КАТТА ТАРАДДУД

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК КИНОСАНЪАТИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН БУ ОММАВИЙ САНЪАТНИНГ БОСИБ ЎТГАН ТАРИХИЙ ЙЎЛИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ҲАМ СУРАТГА ОЛИНАДИ.**

Унда Туркистон тарихида биринчи киносанъати устаси Худойберган Девонов тасвирга туширган лавҳалар ҳам жонланади.

Атоқли ижодкорнинг «Совкино» ҳиссадорлик жамияти киномухбири сифатидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан ҳам томошабинлар ошно бўладилар.

Бугунги ўзбек киноси ютуқлари оммалаштирилади.

# ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ

**СИМФОНИК МУСИҚА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИНИНГ БУ САФАРГИ ДАСТУРИГА КЎПЛАБ АСАРЛАР КИРИТИЛАДИГАН БЎЛДИ.**

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси бу лойиҳани кўнгилдағидек ўтказиш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон бастакорларининг энг яхши ижод намуналари ҳам фестивалда ижро этилади.

**Акбар АЛИЕВ**

**Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...**

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**Яхшиликка албатта яхши мукофот бериш керак.**

* * *

**Астойдил қўшничилик қилмаган садоқатли дўст бўлмаган киши яхши дўст эмас.**

* * *

**Бошига бирон мусибат тушиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолгандагина ёру дўстлар керак бўлади.**

* * *

**Чин дўст удир, дўст фойдасин кўзласа,**
**Ўздан кечиб, дўст ҳақида сўзласа.**
**Ўзи нотинч, дўст тинчлигин ўйласа,**
**Тинчитай деб, нотинч ҳар ён бўйласа.**

* * *

**Гапнинг энг яхшиси тўғри гапдир.**

* * *

**Чинакам дўст бўлиш учун яхши ниятнинг ўзи кифоя.**

* * *

**Бирон мақсадни кўнглига туккан киши албатта унга етишмай қолмайди. Борди-ю у ўша мақсадга эришиш учун ожизлик қиладиган бўлса, унда кўнгилсиз ҳодисага дуч келиши мумкин.**

* * *

**Дўстлик алоқасини узадиган кишига яхшилик қилиш керак эмас.**

* * *

**Аҳдида турмайдиган киши ишончли эмас.**

* * *

**Ўзидан кучлироқларга таассуб қилиб иш тутадиганлар, кўпинча ўзларини ҳалокатга олиб борадилар.**

* * *

**Оғиз берган тангри уни беризқ қўймайди.**

* * *

**Киши бир нарсани кўрмасдан сотиб олса, янглишган бўлади.**

* * *

**Ҳар бир билимдон билими сабабли ҳалокатдан қутулиб қолавермайди. Ҳар бир билимсиз эса билимсизлиги натижасида ҳалок бўлавермайди. Заҳарли илонларни ўргатадиган, уларнинг тилига тушунадиган кишини баъзан илон чақиб ўлдирганини ҳам кўрдим. Илонларни умрида дастлаб кўрган киши гоҳо уни енгиб ҳам қолади.**

* * *

**Бўлмас нарса: юз ташаббус, найранг**
**билан бўлмайди,**
**Бўладиган нарса: сенга асло**
**қараб турмайди.**

* * *

**Билимсиз киши доим алданар экан.**

* * *

**Бу дунёда ғамсиз: қани, айтинг, ким?**

* * *

**Роҳати кетган киши қилмас қаноатни ҳавас.**

* * *

**Ишқдан, олдингилар ҳам кўп шикоят айлаган.**

* * *

**Бир ишда ёрдамчи бўлмаса, киши мақсадга етиши қийин.**

* * *

**Яхшилик, албатта, яхшию ёмонни кўрмай яхшиликка эришиш ҳам оғир.**

* * *

**Мурувватли кишидан бошқа ҳеч кимнинг бировга фойдаси тегмайди.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.**





Бахтли болалик.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

*2008 – Ёшлар йили*

## ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ШАРАФИГА

**МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА ПЕКИНДА БЎЛИБ ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда ёшларни, жумладан, ҳарбийларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилгани, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшларни оммавий спортга бўлган қизиқиш ва интилишини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бир неча йилдан бери ҳарбий спортчилар ўртасида ўтказиб келинаётган «Умумармия ўйинлари» мусобақаси ҳам мазкур тизимнинг мантиқий давомидир.

Пекин Олимпиадасида юртдошларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритди. Терма жамоамиз эришган бу ютуққа Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари – бронза медали совриндорлари, кичик сержантлар Ришод Собиров ва Екатерина Хилько муносиб ҳисса қўшди.

Тадбирда XXIX ёзги Олимпиадада иштирок этган барча ҳарбий спортчилар ва уларнинг мураббийларига совғалар топширилди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижро этган куй-қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р.Мирзаев иштирок этди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Футбол*

## «БУНЁДКОР»НИНГ САФАРДАГИ ЮТУҒИ

**МУБОРАК ШАҲРИДА МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 19-ТУРИДАГИ «МАШЪАЛ» — «БУНЁДКОР» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҚОЛДИРИЛГАН УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Шуни айтиш жоизки, пешқадам жамоа сифатида жорий йилда ҳам сермазмун ўйин намойиш этаётган «Бунёдкор» сафида бу сафар майдонга бразилиялик футбол юлдузи Ривалдо тушди. Шуниси қувонарлики, стадионда бевосита учрашувни томоша қилган мухлислар 1999 йилги дунёнинг энг кучли футболчиси ўйинларидан баҳраманд бўлишди. Мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан ҳисобланган «Машъал» аъзолари «Бунёдкор»га муносиб қаршилик қилишга ҳаракат қилишмасин, маҳорат ва тажриба бобида устунлик қилган меҳмонларга бас кела олишмади. Биринчи бўлимнинг 17, иккинчи бўлимнинг сўнгги дақиқаларида мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга ола билган Ривалдо «Бунёдкор» жамоасига 2:0 ҳисобидаги навбатдаги ғалабани инъом этди.

## ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

**МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 20-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИДА ҲАМ ПОЙТАХТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАР — «БУНЁДКОР» ВА «ПАХТАКОР»ГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.**

Тошкентда мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири Қаршининг «Насаф» командаси билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдларига меҳмонларни енгиш қийинчилик туғдирмади. «Бунёдкор»нинг тўлиқ устунлигида кечган учрашувни 90 дақиқа томоша қилган мухлислар тўртта голнинг гувоҳи бўлишди. Шундай қилиб 4:0 ҳисобида қаршилик чарм тўп усталарини енга олган «Бунёдкор» ҳамон турнир жадвалида карвонбошилик қилмоқда.

Турнир пешқадамини изма-из таъқиб қилиб бораётган амалдаги чемпион «Пахтакор» жамоаси сафарда «ОТМК» меҳмони бўлди. Қизиқарли, муросасиз ва асосан Равшан Ҳайдаров шогирдлари устунлигида кечган баҳсда меҳмонлар футболчиси Одил Аҳмедов томонидан 54-дақиқада пенальтидан киритилган ягона гол тошкентликлар ғалабасини таъминлади ва «Пахтакор»га муҳим уч очкони тухфа этди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди. «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 2:3, «Қизилқум» — «Нефтчи» — 0:2, «Андижон» — «ЎзДонгЖу» — 4:0, «Навбаҳор» — «Динамо» — 2:0, «Металлург» — «Локомотив» — 1:0.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 21-тур баҳслари 20,21 сентябрь кунлари ўтказилади.

*Шахмат*

## МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

**ШАҲРИМИЗДА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан турли мамлакатлар вакиллари иштирокида ташкил этилган турнирда ҳозир қозоғистонлик Мария Сергеева пешқадамлик қиляпти.

Турнирнинг олтинчи турида Мария германиялик Елена Левушкина билан дона сурди. Қизиқарли ва муросасиз беллашувда ғалаба қозонган Мария очколари сонини 5,5 тага етказиб олди.

Турнир жадвалининг иккинчи поғонасида бораётган Белорусь вакиласи Анна Зозуля ҳамюртимиз Ҳулкар Тоҳиржоновани таслим эта олди.

Турнирда бошқалардан кўп очко жамғарган Мария Сергеева ва Анна Зозуляларнинг имкониятлари мутахассислар томонидан юқори деб ҳисобланяпти.

Ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини Тоҳиржоновадан ташқари Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Ирина Геворгян ва Нафиса Мўминовалар ҳимоя қилишяпти.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

**ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!» ЎН КУНЛИГИ БУ ЙИЛ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**

Тадбир доирасида маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, корхоналарда, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида кенг кўламдаги тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи, полковник Азиз Эрназаровнинг айтишича, тадбир давомида шаҳарда болалар шикастланишининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ота-оналар ҳам фаол иштирок этган.

Жорий йил сентябрь ойининг дастлабки ўн кунини қамраб олган тадбирда болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада камайди. Энг муҳими, бирорта ҳам ўлим билан якунланган ҳолат аниқланмади.

Айни пайтда мактабларда ташкил қилинган «Ёш автоназоратчилар» гуруҳи ўз ишини давом эттиради. Гуруҳ аъзолари ўқувчиларнинг катта кўчани кесиб, мактабга келиш ва кетишларини назорат қилиб туради. Бошланғич синф ўқувчиларини уйга кузатишда ёрдам беради. Бундай ишлардан кўзланган мақсад битта – йўлларда болалар ҳаётини асраш.

**Абу Бакр ЎРОЗОВ,**
**ЎзА мухбири**

*«01»*

## БАРЧА МАСЪУЛДИР

**МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА, АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМЛАРИДА БИРМУНЧА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.**

Масалан, ўрта махсус ўқув юртлари, тиббий муассасалар, саноат корхоналари қайта таъмирланиб ишга туширилди, замонга хос ва давримизга мос иншоотларнинг барпо этилганлиги шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Айни чоғда фуқароларнинг ўз орзу ҳаваслари бўйича қурган иморатлари ҳам шаҳримизнинг яшнаб ва яшариб бораётганлигидан далолат беради. Қурилишлар беҳисоб, интилишлар ва орзу-умидлар билан яратилаётган турар жойлар кўркам ва муҳташам. Лекин афсуски, бир вақтнинг ўзида, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда бунёд этилаётган бино ва қурилмалар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларни кўпроқ уй-жой мулкдорларига қарашли кўп қаватли уйларда, уйларнинг теварак-атрофлари ва йўлларда учратиш мумкин. Булардан ташқари фуқароларимиз томонидан ўзбошимчалик билан кўп қаватли уйлар атрофларига томорқа хўжаликлари қуриб олинганлиги, йўллар бошларига темир қозиқлар, газ баллонлари ва бошқа сунъий тўсиқлар, хонадонлари олдига темир хиёбонлар, кичик омборхоналар, шунингдек, қурилиш қоидалари ва меъёрларига зид равишда кўп қаватли уйларнинг лойиҳасига ўзгартиришлар киритиб олиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу эса ўз ўрнида кўп қаватли уйларда фавқулодда ҳодисалар юз берганда, ёнғин содир бўлганда тўсиқлар туфайли ёнғин ўчириш автомашиналарининг ҳаракатланиш ва ёнғин жойига ўтиб сув манбаларини узатиш имкониятлари йўқолганлигини ва бошқа хунук оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўрсатади. Тилга олинган бундай ҳолатларни бартараф этиш борасида, Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, туман муҳандислик хизматлари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли яшаш жойлари ва аҳоли кўп йиғиладиган масканларни ўрганиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Маълумки, давлатнинг иқтисодий тараққиётида халқ мулкини ёнғиндан муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари, балки ҳар бир фуқаро ана шу хайрли ва улуғвор ишларда фаол иштирок этиши ва ўзини масъул деб билмоғи лозим.

**Х.ШОДМОНОВ,**
**Бектемир тумани ИИБ ЁҲБ инспектори, капитан.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 21 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига,** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Чилонзор тумани судининг 22.01.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани, Жар-ариқ жарима майдончасида сақланаётган, «Тико» русумли, д/р А186FDM бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5.800.000 сўм.

Автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р: 20210000500571452105.

**Шунингдек қуйидаги кўчмас мулк аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:** М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилиниб, «Тошкент оқшоми» газетасининг 10.09.2008 йилдаги 178-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Фарғона кўчасида жойлашган, «Subbon» МЧЖга тегишли қаҳвахона биноси савдодан олинди. **Савдодан олишга асос:** М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 15 августда тақдим қилинган К 12/12-сонли хат.

**Манзил:** Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 12.58